

ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАСИ 200.000 ТОННАДАН ОШДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР, ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 191 (4397). | 30 сентябрь, 1971 йил, | ПАЙШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ЛУБКОРЛАРИ МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИ

Юқори Чирчиқ район меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириб, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу туфайли кенг майдонларда қанондан юқори ҳосил етиштирилди. Қанов ўрни қисқа муддатда уюшқонлик билан ўтказилди. Район меҳнаткашлари давлатга 112 минг тонна қанов поёси етказиб бериш тўғрисида социалистик мажбурият олган эдилар. Давлатга 114 минг 447 тонна луб топирилди, олинган социалистик мажбурият ошғи билан бажарилди. Сотишган қанов поёсининг 75,3 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

Район лубкорлари ҳозиргача ҳар гектардан пландаги 161,1 ўрнига 173,6 центнердан ҳосил олдилар. Қанов экувчи хўжаликлар планни тўла ва ошириб адо этдилар. «Политотдел» колхозида ҳосилдорлик гектар бошига 210, «Ленинскый» луб колхозида 185,6 центнерданга етди.

Хўжаликларда давлатга қанов поёси сотиш давом этапти.

Лубкорлар ўз имкониятларини ҳисобга олиб, яна давлатга 17 минг тонна қанов поёси сотиш тўғрисида қўшимча социалистик мажбурият олдилар.



Суратда: Охунбобоев номли колхознинг 2-бригадасида пахта машина билан териш пайти.

А. Абалей фотолари.

Улкамизда саҳий, серфайз олтин куз кезиб юрибди. Ариқдаги сувлар тинганига, низоом шамоллари эганига ҳам анча бўлиб қолди. Қовун тарвузлар фарқ пишиб етибди. Ёл дастурхонини безайдиган медалар шарбатга тўлмоқда.

«Намданак» ва «Санганак», «Заркент» ва «Паркент», «Чанги» ва «Хисарак» уюмлари таърифи ва тавсифи ҳар ёнга кетган. «Ленинбод», «Коммуна», Калинин номи, Энгельс номи ва «Ўзбекистон» колхозларининг богонлари давлатга шу нав узум сотиш планларини муддатидан аввал ортири билан адо этдилар. Бошқа хўжаликлар ҳам узум етказиб бериш топириқларини бажариш арафасида туришди.

«Политотдел» колхозини кўк олтин ҳосили катта хирмонини кўтариб бўлди. У давлатга 25 минг тонна яшил поё етказиш план топириқларини ортири билан бажарди. Бу пешқадам колхозининг орақасидан

МАРДЛАР МАЙДОНДА

маррага яқинлашиб келаётган Карл Маркс номи ҳамда «Ўзбекистон» колхозлари ҳам бузғун-эрта план топириқларини бажарганликлари тўғрисида талаба рапортлари берадилар.

Ҳа, Юқори Чирчиқ райони меҳнаткашлари оша-Ватанимизга қанов ва шол, галла ва бог, поллиз ҳамда чорва маҳсулотларини қўлаб етказиб беришди. Шу билан бир қаторда «оқ олтин»дан ҳам улкан хирмон кўтаришмоқда. Улар тўққизинчи беш йилликнинг тўнғич йилида оша-Ватанга 26 минг тонна пахта арму-тон еттишга аҳд қилганлар. Шу йилда бу аҳд шунчаки амалга ошди. «Ўзбекистон» колхозини пахтакорлар давлат ошборларига топириган 185 тонна пахтанинг 140 тоннаси машиналар ҳиссасига тўғри келди. Районда 21

сентябрь куни давлат хирмони-га 1293 тонна «оқ олтин» тўлиди. Шундан 1078 тоннаси машиналарда териб олинди.

«Правда» колхозини меҳнаткорлари фидокорона меҳнат қилиб, сурьятга сурьят қўшмоқдалар. Қўнига пахта териш йилидаги планнинг 16-18 проценти миқдорда пахта терилди. Бундан галлабон кўлга кўтаришди. Алексей Ким, Петр Ким, Петр Пяк, Мурод Иброев, Сунаат Исмаилов, Талғат Гешитгулов ва Қозоқбой Тоқибоев каби меҳнатқорларнинг қўшган ҳиссаси каттадир. Шунинг ҳам айтиш керакики, бу соҳада хўжаликнинг катта инженери Тўймақул Бойқўрманов ҳам намуна кўрсатмоқда. У мавсумда машинада 120 тонна пахта териб беришга аҳд қилиб хир-

монга 7-8 тоннадан «оқ олтин» тўлмоқда. У дастлабки 8 иш кунда 60 тоннадан зиёд «оқ олтин» терди.

Свердлов номи колхозининг «Социализм» участкасидаги 9-бригада пайкалларидан бўлди. Вақт тушдан оққан эди. Меҳнаткорлар завқ-шавқ билан «зангори кема»ни бошқаришди. Меҳнатқорларнинг Шарифа Қўрқова шунгача «зангори кема»ни букиридан 6 тоннадан ошқ пахтани бўшатди.

Барча пахтакор хўжаликларида «зангори кема» капитанлари учун маданий-маиший шарт-шароит яратиб берилган. Уларга алоҳида ҳамхўрлик кўрсатишмоқда. Шунинг учун ҳам машина теримда яхши самаралар кўлга кўриштирилди.

Райондаги барча пахтакор хўжаликларида шу долзарб дамларда пахтакорларнинг мажбуриятини шараф билан бажаришга қаратилган.

Р. ДОВУТБЕКОВ,
М. ТУРСУНОВ,
Х. ҚУРИКБЕКОВ.

МУСОБАҚАДОШ ДУГОНАЛАР

Маърифатхон Иброҳимова билан Дилбархон Имомова худди келишиб олгандай дала шийони олдига учрашиб, биргаликда пайкал томон йўл олинди.

— Дилбархон, кечаги кунгача қанча тердингиз?
— 2500 килограмм.

— Мендан 200 килограмм ошиб-кетибсизми?
— Шу пайт пайкал ичидан Анорнинг қуввоқ овози эшитилди.

— Келдиларинми? Қани, менга етиб олинганлар... Шундан кейин улар ҳам белларига этак бошлаб, пахтазорга шўнғиб кетинди. Ўзини-ўзини очилган пахтазор эса бирин-кетин «анорлардан» сугирлиб, чевар қизларнинг этакларига туша бошлади.

Дала оқшом, меҳнат завқи тўлиб-тошган пайт. Теримчилар хирмон тепасида, табеличи Т. Раҳимов ва ақуничи маъдум қилади. Шу кун Дилбархон Имомова 200

килограмм «оқ олтин» терибди. Яқун ясади: 50 теримчи ўртача 110 килограммдан пахта терибди. Бу эса планнинг 2,5 проценти таъини этади.

— Мақсадимиз,— дейди эвено бошлиғи М. Марамов,— 89 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 ўрнига 43 центнердан ҳосил йиғиб олиш. Ҳисоблаб чиқиб гектардан 40—45 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилинди.

Шу долзарб дамларда пахта йиғим-терими ишлари тобора авж олмақда. Мавсумда 8—10 тоннадан «оқ олтин» териш учун курашмоқда Д. Имомова, А. Исломов, М. Иброҳимова каби чеварлар зўр гайрат-шиқоат кўрсатмоқдалар. Улар кунига 150—200 килограммдан «оқ олтин» теришди. Уларнинг ҳозиргача терган пахта-си 3—4 тоннадан ошиб кетди.

И. ҚАЛАНДАРОВ.



Суратда: Янгийўл районидagi «Интернационал» колхозининг 2-бригадасида терилган пахталар меҳнатчилар ёрдамида тележаларга ортилапти. Бу эса ишчи кучини анча тежаш имконини бермоқда.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Ҳиндистон Республикасининг бош вазирини Яндира Ганди Совет Иттифоқида қилган расмий визити муносабати билан 28 сентябрь кечкурун қабул маросимлари уйда эиёфат берди.

Эиёфатда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Равис А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Рависининг биринчи ўринбосари К. Т. Махров, Д. С. Полянский, СССР Олий Совети палата-

рининг раислари А. П. Шитиков ва Е. С. Насриддинова, СССР Министрлар Совети Рависининг ўринбосари В. Э. Димши, М. Т. Ефремов, М. А. Лесечко, В. Н. Новиков, И. Т. Повиков, СССР Министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа давлат ва жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Ҳиндистон томонидан эиёфатда Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси К. Ш. Шелванка, бош министр ва

роҳ бўлиб келган кишилар қатнашдилар.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида И. Ганди ва А. Н. Косигин қисқача нутқ сўзладилар.

Совет ҳукуматининг таклифи мувофиқи расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Яндира Ганди 29 сентябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди. (ТАСС).

400.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТЕРИШ ВА
ДАВЛАТГА ТОПИРИШ БЎЙИЧА
ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Юқори Чирчиқ	4,43	72,14	7,13	111,55
Ўрта Чирчиқ	3,21	65,40	4,01	65,59
Пискент	3,98	63,08	4,01	55,40
Оқўзғон	4,23	56,97	4,27	57,28
Бевобод	2,77	55,67	3,14	51,62
Бўна	3,28	50,12	3,34	47,73
Янгийўл	3,32	46,71	2,86	24,53
Область бўйича	3,55	56,87	3,87	54,59

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
КАНОВ ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсим, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Ўрта Чирчиқ	0,3	131,3
Бўстонлик	2,2	111,5
Юқори Чирчиқ	1,8	109,1
Янгийўл	0,9	106,1
Оқўзғон	1,6	89,3
Область бўйича	1,6	100,0

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧОРВА
ОЗУКАСИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ШУ
ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ
(Тошириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — силос, учинчи стун — дағал хашак, тўртинчи стун — се-наж.

Оқўзғон	102,4	72,2	59,3
Бевобод	109	50,5	70,2
Бўстонлик	74,8	49,5	26,3
Бўна	114,2	53,8	58,8
Юқори Чирчиқ	94,7	70,3	26,0
Калинин	97,4	48,0	54,1
Ормонқандзе	75,3	78,2	90,3
Пискент	102,4	42,8	76,2
Ўрта Чирчиқ	81,1	46,5	36,2
Янгийўл	83,6	44,2	39,6
Область бўйича	92,5	60,3	51,7

